

Sattorova SHohida Muzaffarovna

Annontatsiya: *Ushbu maqolada sh'riyat haqida qisqacha so'z yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *adabiyot, yoshlar, harorat, mulohaza.*

Ўзбек адабиёти тарихида ҳам адабиёт муаллимлари доимий равишда мурожаат қиладиган, тайёр адабиёт назарияси қонун-қоидаларидан нисбатан фарқланадиган, уларни тўлдирадиган фикр-мулоҳазалар бор, албатта. Абдулла Қодирийнинг «Ёзувчининг ўз иши тўғрисида», «Кулгу ҳақида» каби қатор мақолалари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан сўхбат»и, Ойбек ёки Ғафур Ғуломнинг, Пиримқул Қодиров ёки Одил Ёқубовнинг, Шукр Холмирзаев ёки Ўткир Ҳошимовнинг адабий қарашлари адабиётшуносларимиз учун, адабиёт муҳиблари учун шундай манблардир. Абдулла Ориповнинг адабий-эстетик қарашларининг маълум бир қисми «Эҳтиёж фарзанди» номли китобида жамланган

Шеър шоир қалбида туғилган ҳаётий туйғуларни ифода қилади ва шу билан ўқувчи юрагини ром қилади. Шоир ўзи ёнмаса, бошқаларни ёндирилмайди, қалб ҳисларида оташ бўлмаса, бошқа қалбларга ҳарорат беролмайди. Бу сеҳрли оташсиз ҳар қандай шеърини жимжималардан, бадий воситалардан, маҳоратдан наф йўқ.

Инсон юраги ҳам бир олам. Унинг ҳам баҳор ва кузлари, тонг ва тунлари, ором ва зилзилалари бор. Шеърини юрак садоси бўлганидан ана шу мураккаб туйғулар оламини ифода қилади. Шунинг учун ҳам бир шеърни ўқиб қувонсак, кўксимиз сурур ва ифтихор туйғуларига тўлса, иккинчи бир шеърни ўқиб хаёлга тушамиз, инсон дардларига ошно бўламиз. Шоирлик ўша туйғуларнинг табиийлиги ва ҳаққонийлигига шеърхонни ишонтира олишдир. Ишонтира олиш қобилияти истеъдоднинг ибтидоси.

Бахт шундай нарсаки, борлигида уни киши сезмайди, йўқлигида орзу қилади. Бахтли одам «мен бахтлиман» деб оламга жар солмайди. Инсон ҳеч қачон бахтга тўйган, бахтим етарли, деган эмас.

Аслида, ҳаётда бирор мақсад билан яшашнинг ўзи — бахт. Мақсадсиз яшаш шундай кўргиликки, у ҳеч кимнинг бошига тушмасин! Кишида мақсад бўлса, унга эришиш йўлида курашиш, машаққат чекиш, таъна-дашномлар эшитиб куйиб-ёниб юриш ҳам — бахт.

Бу оламда йўқотишлар ичидаги энг оғир йўқотиш инсоннинг ўзлигини йўқотишидир. Одамзод тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсида яшайди. У юрагидаги эҳтиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Ўзликни йўқотмоқ ана шу оламдан жудо бўлмоқдир, инсон иморатидаги рукнларнинг — устунларнинг синмоғидир.

Кишига дунёни кўрмоқ учун кўз берилган, уни эшитмоқ ва сезмоқ учун қулоқ ва сезгилар берилган. Оламини билиш учун эса одамзоднинг тафаккури бор. Инсон

дунёга келиб дунёни билишга интилади. Кўз билан кўриш учун машаққатлар чекиб олам кезади, оҳангларни эшитиш, завқлана билиш учун мусиқа ўрганади. Ўтмишу бугунни ёрқинроқ тасаввур этиш, эртани хаёл билан қамраш учун болалиқдан йиллаб меҳнат қилиб савод ўрганади, китоб ўқийди, Чунки китоб инсонга Аллоҳ томонидан мўъжизадек ҳада этилган тафаккурни ёритувчи машъалдир

Истеъдод — бу аввало дид, яхши дид эгаси бўлиш қобилияти, дегувчилар ҳам бор. Истеъдод — бепоён тушунча. У таърифга сиққанда эди, уни маълум хусусиятлар доирасида чегаралаш мумкин бўлганда эди, одамлар йўқ истеъдодни тарбиялаб бор қилган бўлардилар. Горький, истеъдоднинг 99 фоизи меҳнат деганини туғма истеъдоди бўлмаган одам меҳнат билан чинакам шоир ёки бастакор бўлиши мумкин деб тушунмаслик керак. Ҳар қалай 99 дегани юз эмас. Сув нормал шароитда юз градусда қайнайди. 99 градус исиган сув — қайнаган сув эмас. Форс тилида қайнашни «жўшидан» дейди. Яъни жўшмоқ. Шеърият ҳам жўшмоқдир. Жўшмоқ учун эса 99 фоиздан ташқари ўша камтарин бир фоиз — яъни туғма истеъдод керак

Тоғнинг улўғлигини тасаввур қилмоқ учун ундан узоқлашиш керак бўлганидек, буюк тарихий воқеаларнинг ҳайбатини ростмана ҳис этиш учун маълум вақт масофаси лозим бўлади. Ҳозиржавоблик адибнинг яхши фазилати. Лекин у адабиётнинг белгиловчи шарти эмас. Замонавийликнинг ўзи ҳам бу кунги ҳаётимизни акс эттиришгина бўлмай, замонамизга муносиб бадииятки ҳам ўз ичига олади. Ўқувчи учун авторнинг ёшу қариси, унвонли, унвонсизи йўқ. У ҳамиша ёзилган сатрларга қараб муаллифга ўз муносабатини билдиради: ё қалбига жо қилади, ё унутади, йўқликка маҳкум этади.

Инсонга бир марта бериладиган ҳаётда у умридан, ўтган кунидан қониқиб яшаши керак. Виждонига хилоф иш қилмай яшаса — бундан улўғ бахт йўқ. Ҳар бир айтган сўзинг, ишинг ўзингнинг хоҳишингга мувофиқ бўлса — энг катта бахт шу. Аксинча, инсоннинг ўз ички интилишлари, қалби, эътиқоди, сўзи билан иши ўртасида зиддият пайдо бўлса, виждони буюрганини қилолмаса, бу — инсон учун жуда катта бахтсизликдир.

Шоирликнинг «қора иши»ни кўз олдига келтирмай, бу номнинг ўзига, обрў ва шуҳратига қизиқиб шеърият майдонига интилганлар хато қиладилар. Кўпинча бундай хато жуда қимматга тушади. Хато қилган одам учун ҳам, шеърият учун ҳам. Шу сабабли «ёшларга ғамхўрлик» деганда фақат уларни қўллаб-қувватлаш йўғини бор қилиб кўрсатиш эмас, балки уларга рост гапни айтиш, янглишишдан қайтариш ҳам тушунилади. Овози йўқ одам ҳофиз бўлолмайди, мусиқани эшитиш, фарқлаш, англаш қобилияти йўқ одам бастакор бўлолмайди. Лекин икки сатрни бир-бирига жуфтлаш, саводли ёзиш қобилияти бўлган ҳар бир фуқаро шоирлик, ёзувчилик даъво қилиши мумкин. Бизнинг саводхон асримизда, айниқса, адабиётда истеъдод билан ҳаваскорликни ажратиш мушкул бўлиб қолди.

Ёзувчи ёки шоирларнинг адабий-назарий қарашлари бадий асарларни талқин қилишда муҳим очқич вазифасини ўташи дунё адабиётшунослиги тажрибасидан

маълум. Шунинг учун буюк истеъдодларнинг шеъриятга, бадииятга, истеъдод эгаларига, умуман, адабиёт ва санъатга қарашлари махсус китоблар ҳолида нашр қилинади. Бундай ишларнинг икки жиҳатдан аҳамияти кўзга яққол ташланиб туради: Биринчидан, ижодкорнинг бадиий-эстетик концепцияси маълум бўлади.

Иккинчидан, адабий-назарий қарашлар хазинаси бойиб, адабиёт майдонига кириб келаётган хаваскорлар учун ибрат мактаби вазифасини бажаради.

Зотан, жаҳон адабиётдаги И. В. Гёте, Л. Толстой ёки Ч. Айтматовнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари илм аҳли учун ҳар доим қимматли бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Ўзбек адабиёти тарихида ҳам адабиёт муаллимлари доимий равишда мурожаат қиладиган, тайёр адабиёт назарияси қонун-қоидаларидан нисбатан фарқланадиган, уларни тўлдирадиган фикр-мулоҳазалар бор, албатта. Абдулла Қодирийнинг «Ёзувчининг ўз иши тўғрисида», «Кулгу ҳақида» каби қатор мақолалари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан сўхбат»и, Ойбек ёки Ғафур Ғуломнинг, Пиримқул Қодиров ёки Одил Ёқубовнинг, Шукр Холмирзаев ёки Ўткир Ҳошимовнинг адабий қарашлари адабиётшуносларимиз учун, адабиёт муҳиблари учун шундай манблардир. Абдулла Ориповнинг адабий-эстетик қарашларининг маълум бир қисми «Эҳтиёж фарзанди» номли китобида жамланган. Эркин Воҳидовнинг «Шоир у шеър у шуур» номли китоби биз тилга олаётган масала нуқтаи назаридан эътиборга лойиқ. «Санъатнинг, адабиётнинг шари – баркамоллик ва мукамалликдир», деб ёзади унда Э. Воҳидов.

Чин маънода ўзининг тиниқ адабий-эстетик концепциясига, дардига, адабий дунёсига эга ижодкор узоқ-узоқлардан баҳайбат тоғларга ўхшаб кўзга ташланиб туради. Кўп ҳолларда бу истеъдод эгалари асрлар қаъридан ақлли-доно нигоҳлари билан бугунги кунимизга, келажакка назар ташлайди. Истеъдодларнинг ғуж-ғуж бўлиши кам учрайдиган ҳодиса. Истеъдоднинг уруғи кўп бўлмайди. Шу боис истеъдод ноёб ва юксак бўлади. Чунончи, «Истеъдод шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам гавҳар, истеъдод шундай бир зилол ирмоқки, унинг ҳар қатрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор, истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган ғунчасида чаманларнинг бўйи ва таровати бор» (Э. Воҳидовнинг «Чақмоқ умри» мақоласидан). Шеърият, адабиёт истеъдодли ёки мажнунсифат кимсаларнинг қисматидир, деган қадим-қадим замонлардан қолган бир ҳақиқат ҳам борки, Э. Воҳидовнинг истеъдод, унинг туғма бўлиши тўғрисидаги қарашлари ўша қадим ҳақиқатларга мувофиқ келади. Шоир ёзади: «Барча истеъдодлар каби шоирлик истеъдоди ҳам туғма бўлади ва болаликдан ўзини намоён этади. Бу кундуздек равшан, ҳақиқатнинг ўзидек аён. Туғма истеъдод эгаси бўлмаган, шеъриятга ҳавас туфайли адабиётга кириб қолганлар умр бўйи ҳаваскор бўлиб қоладилар» («Санъат ва тафаккур» мақоласи). Гўзал адабиёт бағоят, мафтункор, фусункор ва ҳайбатли кошонадир. Бу муҳташам кошонага ҳаваскорлиги боис кириб қолганлар чиқиб кетишлари гумон. Бу муқаддас даргоҳдан ҳаваскорларни биров ҳайдаб чиқишга ҳам ҳаққи йўқ. Бундай жоҳилона ҳуқуқ бировга

берилган эмас. Аммо давр, замон, вақт уларни фарқлаб беради. Шу зайлда «умр бўйи ҳаваскор бўлиб қолади»ган кимсалар ижодининг миси чиқади. Адабиётнинг абадиятга дахлдор олтин кошонасидаги табиий муҳитда истеъдодсиз одамнинг нафас олиши қийин бўлади. Ҳатто бу даргоҳда зоҳиран қараганда елкасига жанда ёпган, аммо ичкараси шайтонхонага айланган «дарвеш» ҳам истиқомат қила олмайди. Бу ҳақиқатни англаш, ҳис қилиш нақадар зарур, нақадар оғир. Айни чоқда, туғма истеъдод эгасини тарбия қилиш деган гап ҳам ниҳоятда муҳим. «Ижодкор нафас оладиган ҳаво – адабий муҳитдир. Бу ҳаво тоза, мусаффо бўлмоғи керак». (Э.Воҳидов фикри). Тўғри гап, истеъдоднинг ўсиб униши учун мусаффо об-ҳаво, қуёшдай меҳрибон устозларнинг кўнгил ҳарорати ва оқ йўл тилаги керак бўлади.

Шоир зоти ўзини ёзади. Ижод аҳли ўзи ишонган ҳис-туйғуларни ёзса, бошқалар ҳам ишонади. Ҳар қандай бадиий асар замирида, гарчанд ижодкорнинг ёзганлари ижтимоийлашгандек тассурот қолдирса ҳам, унинг ортида одам, улкан бир қалб эгаси – муаллиф турган бўлади. Бу шоирнинг гапи. Мана ўша эътироф: «Шеъриятнинг буюк қудрати унинг ишонтириш кучидадир. Биз ҳар бир шеър ортида унинг эгасини кўрамиз, унинг маънавий оламини тасаввур этамиз, ўша шеър ортида турган одам ўзининг самимияти билан, ҳалоллиги билан бизни ўз туйғуларининг чинлигига ишонтирмоғи керак. Шеър ҳамиша шоирнинг қисмати дир. Агар шоир ўзига, ўзининг қисматига ярашадиган гапни айтмаса, одамлар унга ишонмайдилар» («Шеърият изланишда яшайди» мақоласидан). Дарҳақиқат шоирнинг сўзига ишониш керак, шоирнинг сўзидан таъсирланиш лозим. Бадиий адабиётнинг образлилиги масаласи шу ўринда намоён бўлади. Аслида ҳис-туйғуларни, анланган ҳақиқатларни турли бўёқдор сўзлар, ҳар хил бадиий санъатлар воситасида ёрдамида ифода қилиш – бадиий адабиётнинг табиати. Шоирлар бировларни ром этадиган, ўзида «сеҳрли ҳақиқат»ни мужассам қилган «ёлғон»ни ёзадилар. Шу ўринда бағоят ибратли бўлгани боис Э.Воҳидов мақоласидан олинган бир ривоятни кўчираман:

Ривоят қиладиларки, Нуширвони одил шоирларни ҳузурига чақириб айтибди: «Бу не бетавфиқликки, сиз шоирлар мендек одил шоҳ даврида ёлғон шеърлар ёзасизлар? Ҳеч замонда ошиқнинг оҳу фиғони саҳрога ўт қўядими? Қиз боланинг киприги ўқ бўлиб ошиқ йигитнинг кўрагига санчилармиш. Бу гапга ким ишонади? Хуллас, шу бугундан бошлаб ким ёлғон шеър ёзса боши дорда, мулки талонда».

Шу фармондан кейин узоқ вақт ҳеч ким шеър ёзмай қўйди. Ниҳоят бир шоир шундай шеър ёзди:

Тонг отса юлдузлар сўнар осмонда,
Хўрозлар қичқирар Мозандоронда.
Халафда кечқурун қуёш ботади,
Кечаси одамлар ухлаб ётади.

Нуширвони одил ҳеч бир ёлғони йўқ, бошдан-охиригача ҳақиқат бўлган ушбу шеърни ўқиб елкасини қисди, бошини қашлади ва яна фармон берди: «Шоирлар ўша

ўзининг ёлғонини ёзаверсин». Шундан: «Шоир сўзи ёлғондур», деган гап қолган, шундан Фузулий: «Алданмаки, шоир сўзи албатта ёлғондур», дея лутф қилган.

Шеъриятнинг ана шу «ёлғонида» жуда чуқур ҳақиқат, сеҳрли ҳақиқат бор, буюк ишонтириш кучи бор. Ақл бовар қилмас бир қонуниятга кўра кишилар жўн айтилган рост сўзга эмас, ўша «ёлғон»га ишонади.

Нега энди мен шеъриятнинг зукко билгичлари ўлтирган бу йиғинда адабиётнинг ибтидоий қонуни, алифбоси бўлган бу гапни, ҳаётини ҳақиқат билан бадий ҳақиқат муносабатини айтиб турибман? Негаки, минг афсус, биз кўп ҳолларда, ҳатто тўқсон фойиз шеърларимизда шу қонунга амал қилмаймиз, «Халафда кечқурун қуёш ботади» деб ёзамиз» («Юлдузлар қовушса» мақоласидан).

Инчунун, бу ҳақиқатни тан олмаслик қийин. Шеъриятнинг қонуниятини билмайдиганлар, бадий адабиётга хос хусусиятларни англамайдаганлар, гап-сўзларнинг қолипланган вертикал шаклини шеър санаб юрганлар кўп. Улар шеъридаги бирорта сатрга тегиниб бўлмайди. Чунки ҳар бир сатрда ҳақиқат баён қилинган. Дейлик: «Кечаси одамлар ўхлаб ётади», дегандек. Бу гапнинг нимаси хато? Айни чоғда яна бир савол жаранглайди: Нимаси шеър? Бу тўғри конструкцияли дарак гап ҳар қандай интонация билан айтилса ҳам, шеърга дўнмайди. Чунки бундай сатрларда бадий адабиётнинг энг асосий хусусиятларидан бири – образлилик йўқ. Оригинал ифодаланган шоирнинг ўзи, мени, руҳи топилмайди. Бири бирини такрорлаётган шоирлар, бири бирининг оҳангида шеър айтаётган ҳаваскорлар ўзларига: «Менинг ёзганларимни бир асрдан сўнг кимдир ўқийдими», деган саволни бериб, жавоб топишлари қуёшнинг ботиши тўғрисидаги маълумотларни ёзишдан кўра муҳимроқдир.

Шоирлик қисматида бардош бериш, унинг шон-шухратига муносиб яшаш, энг муҳими, шоир ўз миллатининг виждони, юзи, сўзи ва кўзи эканини ҳар доим эсида тутиши, албатта, осонмас. Шоир – истеъдод эгаси, шоир – сўз ва тафаккур одами, шоир – изтиробли, дардманд инсон, шоир – эл-юрт қувончига шерик одам... Табиийки, шоир зотининг табиати, таъриф ва тавсифи хусусида бундай фикр-мулоҳазаларни давом эттиравериш мумкин. Аммо шеър учун мукамал таъриф топиб бўлмаганидек, шоирлик қисмати ҳам тўла-тўқис равишда, мухтасар сўз билан англатиш қийин. Бунини фақатгина шеърий кайфият изтиробларини бошидан кечирган, «сўз дурларини териш» билан машғул бўлган одамгина англайди. Кўнглини қоғозда акс эттириш учун муносиб сўз излаган, сўзларни туш кўрган кишигина ҳис этади. Қайсидир маънода:

«Сен, эй сен, шеърият, бўлдинг

Ки қайдин ошино менга,

Кетурдинг ҳам сафо менга,

Етурдинг ҳам жафо менга»,

дея қалбининг ҳолатини, дилдаги сафою жафоларни шеъриятга мурожаатан баён этаётган Эркин Воҳидовдай инсон англата олади, эҳтимол. Дарҳақиқат, шеърни

англаш, сўзни ҳис этиш, сўзга хиёнат қилмаслик, «ёлғонни ёзган ҳолда рост сўзлаш» санъатига садоқат ижод аҳли учун бағоят муҳим фазилатдир. Шеърят даргоҳига кириб келаётганлар учун ҳам шу мезонлар ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бевосита ҳаётий ва ижодий тажрибалар жараёнида баъзан ижодкорнинг воқеликка пишиқ-пухта эстетик нуқтаи назари шаклланади.

Аслида, шеършунослар шеърни англаши, ўқувчида шеърини дидни шакллантириш лозим. Бу хусусда Э.Воҳидов ёзади: «Шеърни англамакнинг ўзи ҳам истеъдод. Биз бу истеъдоднинг номини назокат деймиз, нозикфаҳмлик деймиз. Бу фазилатга янгиликни англаш ва баҳо бера олиш сифати қўшилганда у дидга айланади. Дидни эса ёшлиқдан тарбияламоқ, билим ва туйғулар бойлиги билан камолатга етказмоқ керак» («Шеърят изланишда яшайди» мақоласидан). Одатда бундай эстетик тарбия учун адабиёт муаллимлари масъул бўладилар. Адабий жараёнга баҳо бергувчи мунаққид ва адабиётшунослар ҳам китобхон дидини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин. Аммо ҳозирги кунда ҳар икки жиҳат ҳам оқсамоқда. Мактаблардаги адабиёт дарслари ҳам, мунаққидлар фаолияти ҳам кўнгилдагидек эмас.

Гоҳида айрим адабиётчи-тадқиқотчилар куннинг бирор долзарб мавзуй тилга тушса, дарҳол аллақандай «хом-ашё»ни тайёр қолипларга пала-партиш жойлаб мақола ясаб ташлайди. Анжуманга тезис жўнатади ёки маъруза ўқиш учун минбарга минади. Бунинг бировга нафи бор-йўқлиги баъзан ўйлаб ҳам кўрилмайдди. Муҳими – гўё қатордан, рўйхатлардан қолмаслик. Мақоланинг савияси, ўша фикр юритилаётган ижодкор дунёси, руҳияти, ўртага қўйилиб, ечилиши лозим бўлган муаммо – муҳим эмас. Дарҳақиқат, шу йўсинда ногирон асарлар йиғилиб қолади; узоқ умр орзу қилади. Ҳолбуки, адабий-танқидий мақола ҳам воқеа бўлиши мумкин. Ҳолбуки, адабий-танқидий мақола ҳам илҳом билан ёзилиши керак. Ҳолбуки, адабий-илмий мақоланинг ҳам ички структураси, композицион қурилиши, ритми, пафоси, оҳанги бўлади. Адабий-тақидий мақола ҳам яшашга, умрбоқий бўлишга ҳақли. Бироқ ўша мақолада жасоратли одил фикр бўлмаса, аллақандай манманлик ортидан ёзилса – бу ёмон. Шу маънода Э.Воҳидов таъкидлайдики: «Ёзувчига унинг истеъдод даражасига, асарига қараб эмас, балки эгаллаб турган мансабига қараб баҳо берилиши, ҳамма билиб, кўриб турган барча жиҳатлардан ожиз асарларнинг мақталиб, кўкларга кўтарилиши адабий танқид деб аталган муқаддас соҳанинг обрўйини туширади» («Адолат туйғуси» мақоласидан). Ота-она ўз фарзандининг табиатини, бир қарашдаёқ унинг юзидан шод-хуррамлиги ёки хафалигини бошқаларга нисбатан аъло даражада билганидек, чин маънодаги истеъдодли санъаткор-ижодкор ҳар доим ўз кадр-қийматини ҳам, савиясини ҳам, асарларининг умрини ҳам яхши англайди. Бу ҳамма замонлардан ўтиб келаётган ҳақиқат. Қолаверса, «Танқидчи душман орттираман, деб қўрқса ёки ундаги адолат туйғусидан шафқат туйғуси устун келса, адабий муҳитда ҳеч қачон адолат бўлмайдди» (Э.Воҳидов фикри).

Ижодкор руҳий оламини бадий асар ёзган кишигина яхши билади. Ижодкорнинг адабиёт, шеърият борасида айтган фикр-мулоҳазалари ўша ижодий жараёни, руҳий бир мувозанатсизликни бошидан кечирган кишининг эътирофларидир. Чунки «Шоир қаер тўғрисида, нима тўғрисида ёзмасин, у аввало ўзи тўғрисида, ўз халқи ва юрти тўғрисида ёзади» (Э.Воҳидов фикри). Гоҳида бундай қарашлар адабиёт назарияси дарсликларидида қайд қилинган қоидаларга мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин. Чунки ижод ниҳоятда индивидуал жараён. Бу жараён ҳар кимда турлича кечиши мумкин. Ижод жараёни учун аксиома йўқ. Ижод жараёнининг ягона қоидаси – бу ёзиш. Бошқаси – хаёл. Бошқаси – ортиқча гап. Шоир ёки ёзувчининг оқ қоғоз билан учрашуви – агар чин маънодаги гўзал ва умрбоқий асарлар тўғилса – ҳақиқатан ҳам улкан байрам. Акс ҳолда умрнинг исрофидан бошқа нарса эмас. Бу ҳақиқатни англаш, тан олиш ва бошқаларга бу тажрибанинг сабоқларидан сўйлаш ҳам ижодкор зиммасидаги юк.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Erkin vohidov kitoblari
2. <https://.COM>
3. She'riyat shaydosi
4. Alimov, S. S., & Yusupova, O. M. (2022). LINGUOCULTURAL FEATURES OF BORROWINGS FROM ENGLISH TO UZBEK LANGUAGE. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(1), 1-4.
5. Mamadjanova, M. U. (2022). O 'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA EPITETNING CHOG 'ISHTIRMA TADQIQI. ANTONAMAZIYA EPITETLAR. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(5), 110-115.